

**Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг маблағлари ҳисобидан
шаҳар ва қишлоқ жойларда қурилган бирламчи уй-жой бозоридан кўп квартирали
уйлардаги квартираларни сотиб олиш юзасидан _____ сонли ипотека кредити
шартномаси.**

202__ йил «__»

_____.

«Туронбанк» АТБ номидан (кейинги ўринларда «Банк» деб аталувчи бир томондан) 202__ йил _____ -сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи _____ филиали бошқарувчиси в.б _____, кейинги ўринларда «Банк» деб аталувчи бир - томондан ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____

_____ кейинги ўринларда «Қарз олувчи» деб аталувчи - иккинчи томондан ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____

_____ кейинги ўринларда «Кўшимча қарздор» деб аталувчи - учинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. «Туронбанк» АТБ Бошқарувининг 2020 йил 5 мартдаги «Туронбанк АТБ томонидан аҳолига Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг маблағлари ҳисобидан шаҳар ва қишлоқ жойларда қурилган бирламчи уй-жой бозоридан кўп квартирали уйлардаги квартираларни сотиб олиш учун ипотека кредити ажратиш тартиби тўғрисида»ти Низомга асосан «Банк» «Қарз олувчи»га яшаш учун тайёр ҳолдаги _____ (кейинги ўринларда уй-жой деб аталади) сотувчи _____ сотиб олиш учун ушбу шартномада назарда тутилган шартларда ва кредитлаш жавобгарлигининг тамойилларига (ҳалоллик, шаффофлик, ишончлилиқ, шерикчилик муносабатлари, иқтисодий манфаатлар ва имкониятларни ҳисобга олиш) риоя қилган ҳолда _____ сўм миқдоридида мақсадли ипотека кредити маблағлари беради, «Қарз олувчи» эса кредит беришининг умумий қоидаларига (мақсадлилиқ, таъминланганлиги, муддатлилиги, қайтарилувчанлиги ва тўланувчанлигига) риоя этган ҳолда ипотека кредитидан фойдаланади.

2. Асосий тушунчалар

2.1. Ушбу шартнома матни бўйича кейинги ўринларда учрайдиган барча атамалар (агар контекстдан бошқача маъно англашилмаса) ушбу бўлимда баён қилинган маъноларни англатади:

ариза берувчи - бирламчи уй-жой бозорида кўп квартирали уйлардаги квартирани сотиб олиш мақсадида ипотека кредити олиш учун белгиланган тартибда банкка ариза тақдим этган, ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган ва 50 ёшдан ошмаган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган доимий даромад манбаига эга бўлган, қарз юки кўрсаткичи (ипотека кредити бўйича фоиз харажатларини коплаш учун субсидия бериш назарда тутилган ҳолларда мазкур субсидияни ҳисобга олган ҳолда) 70 фоиздан юқори бўлмаган, ипотека кредити олиш учун бирламчи уй-жой бозорида сотиб олинандиган квартира қийматининг қишлоқ жойларда - камида 10 фоиз, шаҳарларда - камида 20 фоизи миқдоридида (шу жумладан, субсидия тўланадиган шахслар бўйича субсидия суммасини инобатга

олган ҳолда) бошланғич бадални шакллантириш имкониятига эга бўлган, сотиб олинадиган квартиранинг қиймати уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошиб кетган тақдирда, қийматнинг колган қисмини шакллантириш (тўлаш) имкониятига эга бўлган, ипотека кредитини ажратишни кўриб чиқиш вақтида кредит ташкилотларидан аввалги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

қарз олувчи - бирламчи уй-жой бозоридан кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун кредит олган ва кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини олган жисмоний шахс;

биргаликда қарз олувчилар - қарз олувчининг ипотека кредити асосий суммаси ва кредит бўйича фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек ипотека кредити бўйича солидар жавоб берадиган жисмоний шахслар;

қарз юки кўрсаткичи - қарз олувчининг барча кредитлари ва микроқарзлари бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдорининг қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг тасдиқланган ўртача ойлик даромади миқдorigа бўлган нисбати;

бирламчи уй-жой бозори - янги тартиб доирасида қурилган, шунингдек янги тартиб доирасидан ташқари фойдаланишга топширилган санадан кўпи билан икки йилдан ошмаган пудрат ташкилоти ҳисобида бўлган кўп квартирали уйлардаги квартираларни тақлиф этувчи бозор;

уй-жойнинг ҳисобланган қиймати - квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда икки ва уч хонали квартиралар майдонининг энг кам меъёрларини инобатга олган ҳолда аниқланадиган қиймат;

пудрат ташкилоти - кўп квартирали уйларни ўз маблағлари, банк кредити ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига қурган ҳамда бирламчи уй-жой бозорида сотиш учун тақлиф этувчи тадбиркорлик субъекти;

субсидия - ипотека кредитлари асосида бирламчи уй-жой бозорида квартиралари сотиб олиш учун бошланғич бадал ва/ёки кредит фоизли харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси учун банкда унинг номига очилган тегишли ҳисобварағига ўтказилган пул маблағлари;

бошланғич бадал – қарз олувчининг бирламчи уй-жой бозорида, қишлоқ жойларда сотилаётган квартира қийматининг 10 фоизидан, шаҳарларда сотилаётган квартира қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз маблағи(субсидия тўланадиган шахслар бўйича субсидия суммасини инобатга олган ҳолда);

кредит шартномаси - бирламчи уй-жой бозоридан уй-жой сотиб олиш учун кредит объекти гарови асосида кредит бериш ҳақидаги шартнома;

ипотека шартномаси - кредит шартномаси бўйича мажбуриятни таъминлашда ипотекани (кўчмас мулк гаровини) белгилаш ҳақидаги шартнома;

тўлов лаёқати - ипотека кредити олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг умумий даромадлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда кредит шартномаси бўйича тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш қобилияти;

ўртача ойлик тўловлар миқдори - қарз олувчи(биргаликда қарз олувчилар) томонидан барча қарз берувчилар билан тузилган кредит (микроқарз) шартномалари, шунингдек қарз олувчи, кафил ва/ёки биргаликда қарз олувчи сифатида иштирок этадиган кредит (микроқарз) шартномалари бўйича тўловларнинг ўртача ойлик қиймати;

сотувчи (курувчи/буюртмачи/пудратчи) - банк кредити ҳисобига ёки ўз маблағлари ҳисобига қурган тайёр уй-жойни бирламчи бозорда сотиш учун таклиф этувчи юридик шахс;

жамғарма омонати - кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олиш учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва квартира қийматининг қишлоқ жойларда 10 фоиздан, шаҳарларда шу жумладан Тошкент шаҳрида 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги дастлабки бадал тўловини киритиш учун очиладиган мақсадли омонат;

жамғарма омонат шартномаси - кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олиш учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва квартира қийматининг қишлоқ жойларда 10 фоиздан, шаҳарларда (шу жумладан, Тошкент шаҳрида) 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги дастлабки бадал тўловини киритиш учун очиладиган мақсадли жамғарма омонати ва унинг шартларини акс эттирувчи шартнома;

аннуитет тўлов - қарз олувчи томонидан банкка кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини ҳар ойда бир хил миқдорда тўлаб бориш усули.

3. Қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг тасдиқномаси

3.1. Қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчилар ушбу билан қуйидагиларни тасдиқлайди:

- банкка тақдим этилган(этиладиган) кредитни расмийлаштириш ва олиш учун ҳужжатлар ҳамда маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий, тўғри ва ишончли ҳамда қонун нормалари бузилмаган ҳолда олинганлигини;

- шартнома тузиш ва унинг шартларини бажаришга лаёқатлилигини;

- ушбу шартномани тузиш билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилмаслигини;

- ўзига нисбатан ҳозирги кунда жиноий иш ва судда даъво қўзғатилмаганлигини;

- қарз олувчи ва қўшимча тўловчи ушбу шартномада ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаганликларида ундирувни гаровдаги мол-мулкига қартишга эътироз билдирмасликларини;

- қарз олувчи ва қўшимча тўловчи ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларидан бир тарафлама ёки бошқача тарзда бош тортишларига йўл қўйилмаслигини ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишларини;

- ипотека ҳисобига сотиб олинган мулкни мониторинг қилиш учун банк ходимларига қаршилик кўрсатмаслик;

ипотека кредитига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқлари ва қўйилган талаблар, ушбу шартноманинг иловаларидаги маълумотлар тўлиқ тушунтирилганлигини.

4. Кредит қиймати ва кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси

4.1. Харид қилинаётган уй-жойнинг _____ сўмни ташкил қилади. Мазкур сумманинг _____ (_____) сўм қисми «Қарз олувчи» томонидан бошланғич бадал (уй-жой умумий қийматининг ____% фоизини ташкил қилади) сифатида «Туронбанк» АТБ _____ да (МФО_____) очилган депозит ҳисобварағига нақд пул ёки қонунда тақиқланмаган нақдсиз тўлов шаклида киритилади (ёки банк орқали пудратчи ташкилот ҳисобрақамига кўчирилади). Харид қилинаётган уй-жой нархининг «58,1%» фоиз суммаси яъни _____ сўм қисми учун банк томонидан кредит ажратилади.

4.2. Кредитдан фойдаланганлик учун қарз олувчи кредит олинган санадан бошлаб, банкка йиллик 20% _____ фоиз миқдорида тўловларни амалга оширади.

4.3. Ипотека кредити бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни ушбу шартноманинг 4.2. бандида белгиланган фоиз ставкасидан ва кредит берилган санадан бошлаб, амалдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда, қарз олувчининг ссуда ҳисобварағида Банк томонидан ҳисобга олинadиган кредит суммаси қолдигига ҳисоблаб кўшилади.

4.4. Ипотека кредити бўйича тўловлар (навбатдаги асосий қарзи ва фоизи) ҳар ойнинг 1 санасига қадар ҳар ойда бир хил суммада (аннуитет) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.

5. Ипотека кредити бўйича таъминлаш

5.1. Ушбу шартнома бўйича берилган кредит: _____ манзилидаги уй-жой ипотекаси билан белгиланган тартибда _____ сўм миқдорида гаров билан таъминланади.

5.2. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг ипотека қонунчилигида белгиланган бир нечта усуллари мавжудлиги бир-бирига зид бўлмайди, мажбуриятларни бажаришнинг ҳар қайси усули мустақил ҳисобланади ва бир-бирига боғлиқ бўлмайди.

5.3. Зарурат бўлганда, ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратишнинг усуллари танлаш ҳуқуқи Банкда қолади, у ўз хоҳишига кўра, мазкур шартноманинг 8.1. бандида белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда талабни усуллардан исталганига қўйиши ёки мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг барча усулларига қўйиши мумкин.

5.4. Қарз олувчи кредитни таъминлашни кредит суммасининг камида 125 фоизи даражасида тутиш, шунингдек, кредит шартномаси амал қиладиган муддатга ипотека предметини унинг йўқолиши ва шикастланиши таваккалчиликларининг тўлиқ қийматида банк фойдасига қарз олувчи ўз ҳисобидан суғурталаш мажбуриятини олади.

5.5. Кредитнинг қайтарувчанлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай ҳаражатларни (нотариал, суғурта, кадастр ва бошқалар билан боғлиқ бўлган) қарз олувчи ўз зиммасига олади.

5.6. Кредитнинг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.7. Кредитнинг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар ва кредит шартномасига илова қилинган кредитни қайтариш жадвали кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, банк ва қарз олувчи томонидан имзоланади ва кредитни қайтариш жадвали мазкур шартномага илова қилинади.

6. Ипотека кредити бериш тартиби.

6.1. Кредит «20» (йигирма) йил муддатга, 202_ йилнинг «___» _____ сансида 20_ йилнинг «___» _____ санасига қадар, асосий қарз тўловига имтиёли даврсиз ажратилади. Ипотека кредитидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш кредит берилган санадан бошланади. Ҳисоблаш эса, кредит берилган санадан кейинги кундан бошланади.

6.2. Кредит бериш қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисобварағи очиш ва ушбу шартноманинг 6.3. бандида кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда қарз олувчининг ёзма аризаси асосида тўловларни нақдсиз шаклда банк бошқарувчиси ва кредит бўлими бошлиғи имзолаган фармойишга биноан уй-жой сотувчининг ҳисобварағига пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

6.3. Банкнинг ипотека кредитини уй-жой сотувчи ташкилот ҳисобварағига пул ўтказиш

бўйича мажбурияти қарз олувчи томонидан қуйидагилар тақдим этилгандан кейин пайдо бўлади:

- банк кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ва қарз олувчи номига расмийлаштирилган уй-жой олди-сотди шартномасининг Давлат кадастр органи томонидан рўйхатга олинган асл нусхаси ҳамда уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ипотека предмети йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан банк фойдасига суғурта қилинганлиги ҳақидаги суғурта шартномаси ва суғурта полиси;
- Бошланғич бадал тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

7. Ипотека кредитини тўлаш тартиби

7.1. Кредит бўйича қарзни тўлаш учун қарз олувчи томонидан йўналтириладиган тўловлар қуйидаги навбатда тўланади:

- кредит бўйича тўлов муддати ўтган фоизларни тўлаш;
- муддати ўтган асосий қарз ва фоизларга ҳисобланган фоизларни тўлаш;
- муддатли фоизларни тўлаш;
- кредит бўйича муддати ўтган ва муддатли асосий қарзларни тўлаш;

7.2. Кредит муддатидан олдин тўланганда келиб тушган маблағлар қуйидаги навбатлар билан тўловга йўналтирилади. Кредит қарздорлигини муддатидан аввал сўндиришда Банк бирон-бир қушимча воситачилик ҳақини ундирмайди.

1) шартномада назарда тутилган талаблар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик ёки бошқа шартнома шартлари бузилиши натижасида ҳисобланган жарималар;

2) муддати ўтган фоиз қарздорликлари;

3) муддати ўтган кредит асосий қарзи;

4) жорий ой учун ҳисобланган фоизлар;

5) жорий (муддати келмаган) кредит асосий қарзлари.

7.3. Қарз олувчи ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинадиган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан ипотека кредитини ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва кредит асосий қарзини (ҳар ойда аннуитет усулда) тўлайди. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, тўланмаган суммаларига ҳисобланган фоиз билан биргаликда навбатдаги тўлаш керак бўлган суммага қўшиб берилади.

7.4. Қарз олувчи томонидан ипотека кредитини тўлаш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича олинадиган бошқа даромадлар ҳисобига нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан;

- нақд пулларни киритган ҳолда;

- қўйилмалар бўйича ҳисоб рақамларидан маблағлар ўтказиш йўли билан;

- банк пластик карточкаларидан маблағлар ўтказиш йўли билан;

8. Томонларнинг ҳуқуқлари.

8.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

8.1.1. Ушбу шартноманинг 6.3. бандида кўрсатилган ҳужжатлар қарз олувчининг айби билан у имзоланган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) банк куни мобайнида тақдим этилмаган тақдирда Банк ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.1.2. Кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз

ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, қарз олувчига тақдим этади.

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади.

8.1.3. Кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга ошириш. Мониторинг жараёнида Банк кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини, асосий қарз ва унинг бўйича ҳисобланган фоизлар тўлови амалга оширилишини, гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларини, ипотека предметининг ноқонуний бегоналаштирилиши ва тасарруф этилишига йўл қўймасликка риоя этилишини назорат қилади.

8.1.4. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганда Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан исталганини амалга ошириши мумкин:

- қарз олувчига мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришномани уни бартараф этиш учун муддатни белгилаган ҳолда юбориш;
- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланишини талаб қилиш;
- қарз олувчидан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини ушбу шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;
- қарз олувчининг молиявий аҳволи оғирлашганда ва шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бузилганда кредитнинг муддатидан илгари қайтариш ва шартномани бекор қилиш чоралари кўрилади;
- кредит бўйича таъминотга мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш шартномаларида белгиланган тартибда қаратиш;
- кредит ўз вақтида тўланмаган тақдирда кредит бўйича фоиз ставкасини кўпайтириш;
- ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш.

8.1.5. Кредит мақсадли ишлатилмаганда, кредит ва ундан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоиз (устама ҳақ) хабар (хабарнома, талабнома, огоҳлантириш хати) юборилгандан сўнг 30 кун ичида тўланмаса, шунингдек кредит тўлови муддати мунтазам равишда бузилса, яъни кредит тўлови бир йил давомида кетма-кет икки ёки ундан ортиқ муддатга кечиктирилганда ҳамда кредит шартномаси шартлари қўпол равишда бузилганда ва шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда кредитни муддатидан илгари қайтариш талаби билан судга мурожаат қилиш.

8.1.6. Агар “Қарз олувчи” томонидан кредитнинг асосий қарзи тўлови кредит қайтариш жадвалида белгиланган санада амалга оширилмаган тақдирда, яъни 30 кун муддатга кечиктирилганда, қарздорнинг молиявий аҳволи оғирлашганда ва шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бузилганда Банк “Қарз олувчи” ва/ёки “қўшимча қарз олувчи” ва/ёки “Кафил”нинг;

- кредит (бошқа) тарихи ҳақида маълумот;
- тўлов қобилиятини баҳолаш тўғрисидаги маълумот;
- бошқа даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот;
- шахсий баланс ҳисобларининг мавжудлиги/йўқлиги тўғрисида маълумот;
- депоизт ҳисобрақамлари мавжудлиги/йўқлиги тўғрисида маълумот;
- БПКлари тўғрисида маълумот;
- мол-мулклари тўғрисида маълумотларни олиш ва ундириш ҳуқуқига эга.

8.1.7. Қарздор вафот этган тақдирда, унинг кредит қарздорлиги бўйича мажбуриятлари меҳнатга лаёқатли оила аъзоларидан бирига (мустақил ва тўлов қобилиятига эга шахсга) қайта расмийлаштирилади. Кредит мажбуриятлари қайта расмийлаштириш имконияти бўлмаган тақдирда ва тўлов муддатининг келишидан қатъий назар, банк қарз олувчининг вафотидан сўнг олти ойлик муддат ичида унинг меросхўри ёки ворисларига суд орқали мулкый даъво кўзғатишга ҳақли.

8.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

8.2.1. Ушбу шартнома амал киладиган давр мобайнида ушбу шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида ва мақсадлар учун кредит ҳисобварағидан тўловни амалга ошириш. Бунда кредитнинг фойдаланилган қисмидан муддатидан олдин қайтарилган кредит суммаси миқдоридан қатъий назар қайта фойдаланишга йўл қўйилмайди.

8.2.2. Олинган кредитни тўлиқ қайтарган ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаган ҳолда банк билан ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

8.2.3. Кредит бўйича гаровда турган ўзининг депозитдаги (омонатдаги) маблағларини кредит шартномаси даврининг ҳоҳлаган вақтида депозит (омонатнинг) амал қилиш муддатидан қатъи назар, мазкур кредитни қайтариш учун йўналтириш.

Бунда, қарз олувчи кредит бўйича гаровда турган ўзининг муддатли депозитидаги (омонатидаги) маблағларини шартномада кўрсатилган депозит (омонат) муддати тугагунга қадар кредитни қайтариш учун йўналтирмоқчи бўлса, у бу ҳақда банкни омонатни қайтариш мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим.

8.2.4. Мазкур кредит шартномасини имзо қўймасдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетиш.

8.2.5. Мазкур шартнома тузилишидан аввал ушбу кредит шартномаси билан боғлиқ банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларни бепул олиш ва танишиб чиқиш.

8.2.6. Банкка берган сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни олиш.

8.2.7. Кредит бўйича талабни учинчи шахсга ўтказиш ҳуқуқини алоҳида битим билан расмийлаштиш ҳақида банкка мурожаат қилиш.

8.2.8. Кредитни сўндириш учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлаш.

8.2.9. Банкнинг айби билан қўйидаги ҳолатлар юз берганда қайд этилган миқдорда пеня ундириш ҳақида судга даъво киритиш:

а) электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг

0,1 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня;

б) электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня.

8.2.10. Ушбу кредит шартномасига гаров қўйиш билан боғлиқ суғурта компанияси (суғурта компаниясининг молиявий ҳолати барқарор ҳамда юқори рейтинг даражага эга бўлган) ва (ёки) баҳоловчини ўзи хоҳишига кўра танлаш.

9. Томонларнинг мажбуриятлари

9.1. Банкнинг мажбуриятлари:

9.1.1. Ипотека кредити бериш учун қарз олувчи томонидан барча зарур шартлар бажарилгач ушбу шартнома шартларига риоя қилган ҳолда кредит бериш. Шу билан бирга мижоз томонидан барча тегишли ҳужжатлар ва таъминот тақдим этилгандан сўнг 3 банк иш кунида кредит маблағларини ажратиш;

9.1.2. Кредит маблағларини бериш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун “Қарз олувчи” га кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдоридан, лекин кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаш;

9.1.3. Қарз олувчини кредитни ёки унинг қолган қисмини беришни рад этиш, шунингдек, кредитни муддатидан олдин ундириш сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

Банк қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан болаб 3 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

- гаровда турган мулкни тақикдан чиқариш;
- гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўриши шарт.

9.1.4. Ушбу шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, «Қарз олувчи» зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида “Қарз олувчи” ва/ёки “биргаликда қарз олувчи” ва/ёки “Кафил”нинг банк пластик картаси(кейинги ўринларда БПК деб юритилади)дан (агар улар томонидан БПК маълумотлари тақдим этилган бўлса) муддати ўтказиб юборилган қарздорликни дастурий равишда ундириб олиш, акс ҳолда (БПК маълумотлари тақдим этилмаган ёки БПКда маблағ мавжуд бўлмаган) муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида “Қарз олувчи” билан ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, истеъмолчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда хабар (хабарнома, талабнома, огоҳлантириш хати) бериш;

9.1.5. Мазкур шартнома тузилишидан аввал “Қарз олувчи”га мазкур кредит шартномаси билан боғлиқ банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларни бепул тақдим этиши ва таништириши;

9.1.6. “Қарз олувчи”нинг оғзаки ёки ёзма сўрови келгандан бир иш куни ичида унга кредит бўйича хизмат кўрсатиш даврида қуйидаги ахборотларни ёзма шаклда ойда бир марта бепул тақдим этиш:

- кредитлаш лимити;
- кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси;
- асосий сумма бўйича қарз қолдиғи;
- навбатдаги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари (тўловлар жадвали);
- кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори;

- муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби;
- келиб тушаётган пул маблағлари кредит бўйича қарзни сўндиришга йўналтирилиши ҳақида ахборотлар;

9.1.7. “Қарз олувчи”ни мазкур ипотека кредити шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиш, удан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраш;

9.1.8. Электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши;

9.1.9. “Қарз олувчи” томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

- гаровда турган мулкни таъқиқдан чиқариш;
- гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чоралари кўриш.

9.1.10. Қарз олувчи томонидан ипотека кредити бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганидан сўнг, мазкур қарздорлик бўйича амалга оширилган охириги тўлов санасининг кейинги уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда қарз олувчининг шахсий кабинетидан кредит бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилганлиги ва ушбу кредит шартномаси бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот жойлаштириш.

9.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

9.2.1. Ушбу шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) банк кунигача бўлган муддатда қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштириш, шу жумладан:

- ипотека предметини йўқолиш ва шикастланишдан суғурта қилиш шартномасини тузиш, суғурта полисини тақдим этиш;
- ипотека тўғрисидаги шартномани тузиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва бу ҳақдаги ҳужжатларни тақдим этиш;
- уй-жой умумий қийматининг қишлоқ жойларда 10 фоиздан ва ёки шаҳарларда (шу жумладан Тошкент шаҳрида) 20 фоиздан кам бўлмаган пул маблағини бошланғич бадал сифатида жамғарма-депозит ҳисоб рақамига киритиш.

9.2.2. Кредит шартномаси шартларига мувофиқ берилган кредитдан мақсадли фойдаланиш.

9.2.3. Кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатли мажбуриятномага ва шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинаётган тўлов жадвалига мувофиқ қайтариш.

9.2.4. Банк вакиллари мунтазам равишда ўтказиладиган мониторинг текширувларига қаршилик кўрсатмаслик, ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган уй-жойни, шу жумладан, кредитга ва ушбу шартнома бўйича қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилишига тааллуқли бўлган ҳар қандай бошқа мол-мулкни бориб қуриш, шунингдек кредитдан белгиланган мақсадда фойдаланилишини текшириш имкониятини таъминлаш.

9.2.5. Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қиладиган бутун давр мобайнида, Банкни қониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича қарз олувчининг даромадлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.

Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, қарз олувчига тақдим қилиши лозим ва бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади. Ушбу қоида кредит шартномасида қайд этилиши шарт.

9.2.6. Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исмидаги ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида 5 (беш) кун мобайнида Банкка ахборот тақдим этиш.

9.2.7. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигини олмай туриб, шартнома бўйича қарз олувчининг мажбуриятига нисбатан устувор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитларини ва/ёки қарзларини жалб қилмаслик.

9.2.8. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшаш учун кетган тақдирда кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин тўлаш.

9.2.9. Қарз олувчининг ҳамда биргаликда қарз олувчи (лар) ва “кафил(лар)”нинг БПКлари мавжуд бўлса, уларнинг маълумотларини (рақамлари ва амал қилиш муддати)ни шуниндек, кредит сўндирилгунга қадар уларнинг БПКлари алмаштирилса, янги олинган БПК маълумотларини банкка тақдим этиш;

9.2.10. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, ўзининг зиммасидаги қарз ёки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўзининг ва/ёки биргаликда қарз олувчилар” ва/ёки “Кафил”нинг банк пластик картасидан (агар улар томонидан пластик карта маълумотлари тақдим этилган бўлса) муддати ўтказиб юборилган қарздорликни банк дастурий равишда ундириб олишига ҳеч бир қаршилик кўрсатмаслик;

9.2.11. “Банк” томонидан кредитнинг асосий қарз тўлови кредит қайтариш жадвалида белгиланган санада амалга оширилмаган ҳолларда, кредит қайтариш жадвалида белгиланган санадан кейинги кундан бошлаб айнан тўлов кечиктирилган кунлар учун кредитнинг муддати ўтган қисмига мазкур шартноманинг 4.2 бандида белгиланган фоиз ставкасига қўшимча равишда йиллик 5 (беш) фоиз миқдорида қўшимча фоиз тўлови тўлаш;

9.2.11. Агар кредит маблағлари ўз муддатида қайтарилмаганда кредитнинг асосий қисми «Банк» томонидан суд жараёнидаги кредитлар ҳисоб рақамига ўтказилса ёки кўзда тутилмаган ҳолатлар (95413) ҳисоб рақамига ўтказилиши таъминланса мазкур шартноманинг 9.2.11. бандида белгиланган қўшимча фоиз ставкаси қўлланилиши ва ҳисобланган фоизларни тўлаш;

9.2.12. Банк сўровига кўра муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида ёзма равишда маълумот бериш;

9.2.13. Субсидия хабарномаси мавжуд бўлган ҳолларда мижоз томонидан мазкур хабарнома ажратиладиган кредитга тақдим этиладиган ҳужжатлар билан биргаликда кредит ажратилгунга қадар тақдим этиш;

9.2.14. Амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатларини тақдим қилмаслик.

9.3. Биргаликда қарз олувчининг мажбуриятлари:

9.3.1. Кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар, пеняларни муддатли мажбуриятномага ҳамда шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинаётган тўлов жадвалига мувофиқ қарз олувчи билан биргаликда қайтариш.

9.3.2. “Қарз олувчи” томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда у билан солидар тартибда жавоб бериш.

9.3.3. Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қиладиган бутун давр мобайнида, Банкни қониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича қарз олувчининг даромадлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.

9.3.4. Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи барча ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек молиявий ҳолати, фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтган жойи, яшаш манзили, иш жойи, реквизитлари ҳамда бошқа маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида банкка зудлик билан ёзма маълумот тақдим этиш. Ўзига нисбатан мулкӣ/моддий даъволар билдирилган тақдирда бу ҳақда банкни зудлик билан хабардор этиш.

10. Мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳолатлари

10.1. Ушбу бандда кайд этилган ходисалардан ҳар бири мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолати ҳисобланади:

- кредит ресурсларидан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик;
- қарз олувчи кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар бўйича ушбу шартнома, унинг бўйича тўловлар жадвали, шунингдек тузилиши ушбу шартномада белгиланган бошқа шартлар бўйича белгиланган санада тўловларнинг амалга оширилмаганлиги;
- банкни атайлаб ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар тақдим этган ҳолда чалғитиш;
- кредит бўйича Банкка қарз олувчи томонидан берилган таъминот қисман ёки тўлиқ ўз қимматини йўқотганлиги;
- қарз олувчининг тўловга қодирлиги ёмонлашганлиги ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг мунтазам равишда бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ ахборотнинг яширилиши;
- қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ходисалар;
- ушбу шартнома шартларининг бузилиши;
- ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, ипотека, кафолат ва шу кабилар) бузулиши;
- гаров предметининг суғурта полиси муддати ўтган бўлса.

11. Жавобгарлик

11.1. Қарздор кредит маблағи учун ҳисобланган фоиз ҳамда комисион тўловларни белгиланган муддатда тўланмаса ва улар юзасидан муддати ўтган қарз юзага келган ҳолларда, муддати ўтган кредит фоиз қарздорлигига нисбатан ҳар бир тўланмаган қисмига ҳар бир ўтган кун учун ўз вақтида тўланмаган суммага банк кўшимча равишда фоиз сатвқасига қўшимча **5 (беш) фоиз устама ундиришга ҳақли.**

11.2. Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг 6.3. бандида кўрсатилган шартлар бажарилиб, банк кредитни ўз вақтида ажратмаган ҳолатда банк қарз олувчига муддатида

тўланмаган кредит суммасининг кечиктирилган ҳар бир куни учун 0,01 фоиз миқдорида, лекин муддатида тўланмаган кредит суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

12. Кредит қарздорлигини ундиришни таъминотга қаратиш

12.1. Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда Банк ўз талабларини, ундиришни ипотека предметиға қаратиш учун асослар вужудға келгандан кейин, қарз олувчи ва Банк ўртасида тузилган нотариал тасдиқланган битим асосида суддан ташқари тартибда қондиради.

12.2. Банк ундиришни ушбу шартнома ва ипотека тўғрисидаги шартнома шартларида назарда тутилган, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги туфайли келиб чиққан талабларни ушбу мол-мулк ҳисобига қондириш учун мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровға қўйилган мол-мулкқа қаратишға ҳақлидир.

12.3. Агарда қарз олувчи томонидан тўлов жадвали асосида тўланиши лозим бўлган кредит асосий ва фоиз қарзи бўйича тўловлар тўлиқўз муддатида амалға оширилмаганлиги натижасида тўлов жадвалидан ортда қолиши оқибатида юзаға келган қарздорлик 3 ойдан ошган бўлса, (тўловларнинг доимий равишда амалға оширилишидан катъий назар) банк кредит шартномасини бекор қилиш ва ундирувни ипотека предметиға қаратиш ҳуқуқиға эгадир.

12.4. «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23, 26 ва 28-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда Банк ипотека билан таъминланган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишға, ушбу талаб бажарилмаган тақдирда эса - ундиришни гаровға қўйилган мол-мулкқа қаратишға ҳақлидир.

12.5. Агар гаровға қўйилган мол-мулкни сотишда олинган сумма Банк талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, Банк етишмаган суммани қарз олувчининг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқиға эга.

13. Алоҳида шартлар

13.1. Банк ўз хоҳишиға кўра ушбу шартнома бўйича ўзида қарз олувчиға нисбатан мавжуд бўлган ҳуқуқлардан исталганини кўллаши ёхуд кўлламаслиги мумкин. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларни кўлламаслик ёхуд қисман кўллаш ушбу ҳуқуқлардан воз кечилишини билдирмайди ва улар келгусида исталган вақтда кўлланиши мумкин.

14. Қўшимча шартлар

14.1. Қарз олувчи уй-жойни ўзбошимчалик билан қайта қурганлик ёки қайта режалаштирганлик туфайли сифатсиз (носоз, ёмон, яроқсиз) ҳолатға келтирган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар ва ушбу уйни ўз ҳисобидан илгариги ҳолатиға келтириши шарт.

14.2. Уй-жойни сотишға, ўзғаға беришға, уни ижараға топширишға, ундан текин фойдаланишға, ипотека предмети манзили бўйича яқин қариндошларини ва учинчи шахсларни рўйхатға қўйишға кредит муддати мобайнида Банкнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

14.3. Илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда микромолиявий хизматлар кўрсатилмайди.

14.4. Қарз олувчининг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши қарз олувчининг ушбу шартномаға ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишиға олиб келади;

14.5. Агар қарз олувчи тўловларни амалга оширишга ёки ушбу шартномада белгиланган талаблардан исталганини бажаришга қодир бўлмаса, Банк кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни, шунингдек бошқа тўловларнинг муддатидан олдин тўланишини талаб қилишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирувни кредит бўйича таъминотга ва қарз олувчининг бошқа мол-мулкига қаратишга ҳақлидир;

15. Форс-мажор ҳолатлари

15.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, Томонлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулодда кўринишдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар) ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

15.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиши шарт, шу билан бирга исталган Томоннинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

15.3. Банклараро электрон тўловлар тизимида узилишлар рўй берганда, қонунларда белгиланган тартибда банк ёки миждоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганда томонлар жавобгарликдан озод этилади.

16. Шартноманинг амал қилиш муддати

16.1. Ушбу шартнома Тарафлар уни имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача амал қилади.

17. Низоларни ҳал этиш

17.1. Келишмовчиликлар ва/ёки ушбу шартномада назарда тутилмаган низоли вазиятлар пайдо бўлган ҳолларда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда уларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар. Томонлар келишувга эришмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилиши учун ипотека предмети жойлашган ёки қарз олувчи яшаётган ҳудуд бўйича Фуқаролик ишлари бўйича судга берилади.

18. Якуний қоидалар

18.1. Ушбу шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Томонларнинг келишувига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

18.2. Ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда, Томонлар имзолаган қўшимча битим тарзида расмийлаштирилади.

18.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди. Тарафларга бир нусхадан, учинчи нусха эса нотариал идорага тақдим этилади.

18.4. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган, бироқ у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

18.5. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш, қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, Тарафлар уни имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартиришлар, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

19. Томонларнинг манзиллари, реквизитлари ва имзолари

“БАНК”

“ҚАРЗ ОЛУВЧИ”

“Туронбанк” АТБ МАБ	Xadjibayev Obidjon Kamildjanovich
Манзил: Тошкен шаҳар Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси 4а-уй	Яшаш манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 4-тор Дегрез кўчаси 40-уй.
Х\р: 10301000700000446501	Паспорт маълумотлари: Паспорт маълумотлари: АВ5283276 Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, ИИБ томонидан 03.12.2016 йилда берилган.
МФО 00446 ИНН: 201055108	
Тел: 71-202-01-01 ички рақам 301	Тел: 99-818-98-79
МАБ бошлиғи: Ш.Р.Орипов _____	_____ О. К.Xadjibayev

Юрист _____

МАБ Бош ҳисобчиси _____

Мижоз билан алоқа ўрнатиш ва хабар юбориш учун:

Тел: 99-818-98-79

Манзил: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 4-тор Дегрез кўчаси 40-уй.